**Ушбу сонда:**

2 — *Бор бўл, оқибат!* УМРНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

3 — *Обод маҳалла йили* КУЮНЧАК ОТАХОНЛАР

4 — «БУХОРЧА» ХОРИЖГА БОРАДИ


ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 июл, шанба № 115 (1540)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ТУПРОҚҚАЛЪАДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

***Хоразм вилоятидаги Тупроққалъа даҳасида Хазорасп туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежининг филиали очилди. Бу ерда маҳаллий умумтаълим мактаблари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари учун очиқ эшиклар куни ўтказилди.***

Вилоят ва туман марказидан анча олисда жойлашган Тупроққалъа даҳаси воҳанинг жадал ривожланиб бораётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тузилмавий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш туфайли бу ерда ҳар йили ўнлаб фермер хўжалиги ташкил этилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар натижалари эса ижтимоий инфратузилмани изчиллик билан ривожлантириш имконини бераётир. Даҳада ўқитувчиларга талаб катта бўлгани боис коллеж филиалида бўлғуси педагогларни тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

**(ЎзА)**

## НОН ҲИДИ

***Ғўзапоя ўтини ёқилиб, тандирда пиширилган қирмизи буғдой нонининг мазасига етадиган таом йўқ, дунёда. Қишлоқларни айланиб ҳовлилар ёнидан ўтиб қолсангиз, аёллар ўзлари тайёрлаган янги нондан татиб кўришга манзират қилишади.***

Нон ҳиди... Она заминнинг қайноқ кўксида етилган, саҳий қуёш нуридан баҳраманд бўлган, Жайҳуннинг лойқа сувига қонган буғдой ҳиди.

Нақадар суюкли ва қадрдон, нақадар тўйимли ва ҳузурижон! Табиатнинг бу бетакрор ва мўътабар неъматига ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди. Тажрибали ижарачи Яраш Ҳайитовнинг ёшлигидан ғаллага меҳри тушган. Ота-боболари деҳқон ўтган эмасми, ер билан тиллашиб чарчамайди, кечаю кундуз тиним билмайди. Шунинг учун ҳам 17 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 67 центнердан хирмон кўтариб «Қашқадарё» ширкат хўжалиги ижарачилари ўртасида биринчиликни эгаллади.

Ўзининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатда муҳим ўринни эгаллаган Касби тумани пахтачилик ва ғаллачиликда катта тажриба мактабига айланган. Табаррук ва унумдор заминда ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 14 минг гектар майдонда ғалла парваришлаган қалби қайноқ, меҳри дарё фидойи деҳқонлар шартнома режасини ошириб бажардилар. Ҳосилдорлик ҳар гектар ер ҳисобига 50 центнерни ташкил этди. 5 минг тоннага яқин уруғлик тайёрланди.

Туман машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти раиси Набижон Бабалов ҳамроҳлигида ғаллазорларни айландик. Ҳосили йиғиштириб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, такрорий экинлар экилаяпти.

– Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янги технология дадил кириб келмоқда, - дейди МТП раҳбари. – Далаларда 20 та «Кейс», 45 та «Нива» ва «Енисей» комбайнлари тўла қувват билан ишлатилди.

Ташаббускорлик ва уюшқоқлик, одамларга ғамхўрлик, моддий ва маънавий рағбат муваффақиятни таъминлади. «Қашқадарё», Шароф Рашидов номли, «Комилон», Алишер Навоий, Сайидо Насафий, Ҳамза Хўжақулов, Тоҳир Малик номли хўжаликларнинг ғаллакорлари ялпи ҳосилни 4 минг тоннага етказдилар.

– Мўл-кўлчиликнинг яратувчиси, одамларга ғамхўрлик ўз самарасини берди, - дейди ҳосилдорликни гектар бошига 82 центнердан оширган




«Комилон» ширкат хўжалиги ижарачиси Ашур Раҳмонов. – Шартнома режасидан ортиб қолган 46 тонна дон ишчиларга тарқатилди.

Мавжуд 208 та фермер хўжалиги ва 384 та оилавий пудратларда ҳам режадан ташқари етиштирилган ҳосил аъзоларга бўлиб берилди. Фермер Абдирайим Қаҳҳоров ҳар гектар майдондан 55 центнердан хирмон кўтариб, ғалланинг ўзидан 3 миллион сўм соф фойда олди. «Мерганча», «Муҳаммади», «Исмат бобо», «Ҳаққул Обрўй» сингари фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 60-70 центнердан ошиб кетди. «Кейс» комбайни операторларидан Шерали Арабов, Зариф Қурбонов, Нормамат Нормуродов, Мустафо Азизовларнинг ҳар бири мавсумда минг гектар майдоннинг ҳосилини ўриб-янчиб бердилар.

Далаларда ҳаёт қайнайди. Саъдулла Эшнаев, Абдулла Шукруллаев, Ойбаҳор Маматова, Хайрулла Жумаев, Қурбон Тоймуродов, Санжар Йўлдошев, Тўлқин Мирзаев, Рауф Шоназаров сингари деҳқонлар етиштирилган мўл ҳосил туфайли оила бюджети мустаҳкамланганидан мамнун.

Жорий йилда ялпи дон 53200 тоннага, пахта 65 минг тоннага етказилади. Бўлиқ пайкалларда ғўза кўсакламоқда. Меҳнаткашлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Дала шийпонлари ҳақиқий ҳордиқ масканига айлантирилган. Меҳнаткашлар рағбатлантириб борилмоқда. Жамоаларда меҳнат кўтаринкилиги, аъло кайфият ҳукмрон.

Иқтисодий бақувватлик туфайли қишлоқлар кўркам ва обод, оилалар фаровон бўлиб бораяпти. Кейинги икки йилда 12 та врачлик пункти, иккита коллеж фойдаланишга топширилди. Бабаловлар хусусий чорвачилик фирмаси ҳузурида «Саховат» болалар оромгоҳи очилди. Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида 13 километр табиий газ тармоғи тортилди, 150 миллион сўм маблағ сарфланиб, болалар спорт мажмуаси қурилаяпти. Бундай спорт масканлари Ш.Рашидов номли ва «Комилон» ширкат хўжаликларида ҳам қад кўтармоқда.

Буюк истиқлол туфайли рўшноликка эришган, ернинг ҳақиқий эгасига айланган деҳқонларнинг кўнгли чоғ, кўкси тоғ. Далаларда ҳар доимгидек меҳнат мароми сусайгани йўқ.

... Қишлоқ аёли тандир қизитаяпти. Янги буғдойдан нон пишмоқда. Муқаддас ва мўътабар неъматнинг ёқимли ҳиди атрофга таралган. Нон ҳиди дилга хуш ёқади.

**И.ИСОМИДДИНОВ**







Учқудуқдаги «Север» комбинати нон, сут, колбаса ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар асосан Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли боғча, мактаб, профилакторий, шифо масканларига тарқатилади.

**Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар, Ш.ЗУФАРОВ олган суратлар**

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

«Poytaxt Sergeli savdo markazi» очиқ акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда Сергели туманида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари доимий кўргазмасини ташкил этди.

Пойтахтимиздаги элликдан ортиқ қўшма корхона ва хусусий фирманинг сифатли ва рақобатбардош, чиройли қадоқланган маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топмоқда. Жумладан, «Tashkent tea factory» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси чойлари, «TUFIN» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси, «Дероз» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасининг шоколад-қандолатчилик маҳсулотлари шулар сирасига киради. Бундан ташқари, «TYGEN» тижорат фирмасининг Россия технологиялари асосида тайёрланадиган колбаса маҳсулотлари, «Baxt Bilol», «Imkon Plus» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмаларининг мазали музқаймоқлари кўпчиликка манзур бўлаётир.

**(ЎзА)**

## БАЙРАМГА - ШИРИН СОВҒАЛАР

***«Росси СА» Ўзбекистон-Россия-Болгария қўшма корхонасида печенье ишлаб чиқарувчи янги линия ишга туширилди. У икки тартибда ишлашга мўлжалланган ҳамда тўрт тонна галет печеньеси ёки олти тонна шакарли печенье ишлаб чиқара олади. Ушбу замонавий ускунанинг нархи - 13 миллион сўм. Республикамиз мустақиллиги байрамига қандолатчилар ширин совғалар тайёрламоқда.***

Қўшма корхонада ҳаммаси бўлиб 80 хил турли ширинликлар тайёрланади. Печеньедан ташқари бу ерда бежирим қадоқланган «Шарқ юлдузи», «Сюрприз», «Тантана» («Торжество»), «Ассорти» деб номланган қутили шоколадлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Озиқовқатсаноат» уюшмасидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, тармоқдаги ҳар бир корхона ўз мавқеини оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш билан бирга, маҳсулот хилларини ҳам кенгайтиришга интилмоқда.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган маҳаллий корхона -Янгийўлдаги «Лаззат» акционер-ишлаб чиқариш қандолатчилик бирлашмаси бу йўналишда етакчилик қилмоқда. Унинг активидаги 150 турдаги маҳсулотнинг аксариятини ҳанузгача мевали, ёнғоқли, сутли печеньелар, шунингдек желейли «Чиннигул» шоколадлари, «Летний», «Молочный», «Мальвина» ирислари ташкил қилмоқда. Янгийўллик қандолатчилар Қозоғистон ва Туркманистонда ўз савдо уйларини очди. Акционерлик бирлашмасида ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ва у ерда печенье, карамел ва шоколаднинг янги турларини ишлаб чиқарувчи замонавий линиялар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда мевалар, сабзавотлар, ёнғоқнинг мўл-кўллиги, ширин маҳсулотларга бўлган юқори талаб қўшма бизнес юритиш иштиёқида бўлган кўплаб чет эллик сармоядорларни тобора кўпроқ маҳаллий озиқ-овқат саноатига жалб қилмоқда. Янги тузилган бир қанча қўшма корхоналар қисқа вақт ичида нафақат ички истеъмолчиларнинг ишончини оқлади. Қўшма бизнес ишлаб чиқариш даражасини оширишга, замонавий технологияларни жорий қилишга, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишга ёрдам берди. Айни пайтда унинг экспорти кенгайтирилмоқда. «УФУК» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ўзи Россия, Яман, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистонга қандолат маҳсулотлари юбормоқда. «Нема», «Рен-Ко», «Дж.Ф.Интернейшнл» қўшма корхоналарининг маркетинг сиёсати унли маҳсулотлар ва карамелларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган. Мамлакатимиз мустақиллиги байрамига қандолатчиларимиз печенье, вафли, карамел, турли тортларнинг янги хилларини тайёрлашни мўлжаллаган.

**(ЎзА)**

## МАКТАБ-ОРОМГОҲДА

**театр томошаси**

Ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олиш вақтини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманига қарашли Маннон Уйғур номидаги 22-ўрта мактабда бир талай ишлар амалга оширилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, қўшимча таълим маркази ҳамда мактаб маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари билан бу ерда болалар оромгоҳи ташкил этилди. Бунда фидойи раҳбар, мактаб директори Гулнора Убайдуллаеванинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳозирги пайтда оромгоҳда юз нафар ўғил-қиз дам олмоқда. Уларнинг 30 нафари кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Оромгоҳда дам олувчилар беш гуруҳга бўлинган бўлиб, улар учун барча шароитлар яратилган. Ўғил-қизлар учун бадиий каштачилик, юмшоқ ўйинчоқлар, араб тили, инглиз тили, шоҳмот, шашка тўгараклари ишлаб турибди. Болаларнинг спортга бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида гуруҳлар ўртасида «Кувноқ стартлар», «Ким эпчилу, ким чаққон?» каби мусобақалар тез-тез ўтказилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар учун шинамгина кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Ундан болажонларга мўлжалланган кўплаб бадиий адабиётларни топиш мумкин. Саранжом-саришта ошхонада эса қўли гул пазандалар болажонлар учун уч маҳал мазали таомлар тайёрлаб беришмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, оромгоҳ тарбияланувчилари иштирокида шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этиш яхши анъана тусини олган. «Ҳайвонот боғи», театр ва кинотеатрларга уюштирилаётган сафарлар ўқувчиларда катта таассурот қолдираяпти. Бундан ташқари, тумандаги ёш томошабинлар театри оромгоҳда қизиқарли саҳна томошаларини намойиш этишмоқда. Хуллас, болажонларнинг ёзги таътили мароқли ўтмоқда.

**Дилшод КАМОЛОВ**

*Меҳр булоғи*

## БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

### фермер томонидан сут билан таъминланмоқда

Деҳқон-фермер хўжаликлари равнақ топиши учун ҳукуматимиз томонидан барча чоралар кўрилмоқда. Ўз навбатида улар ҳам астойдил тер тўкиб тиним билмай меҳнат қилишяпти. Шундай фермер хўжаликларидан бири Каттақўрғон туманидаги «Фотима» хусусий чорвачилик фермасидир.

Ферма 1995 йили ўз фаолиятини бошлаганди. Ўша вақтда унинг ихтиёрида 70 бош қорамол ҳамда 60 гектар ер майдони бўлиб, 15 гектарига пахта экилганди. Фидокорона меҳнат ўз самарасини берди. Хўжалик давлатга гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил топширди.

Жорий йилда мазкур жамоа аъзолари 30 гектар майдонга пахта, қолганига эса беда ҳамда маккажўхори экишди. Айни пайтда ниҳоллар баравж бўлиб ўсмоқда. Фермер хўжалигида 97 бош қорамол бўлиб, шундан 70 боши соғин сигирдир. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида истеъмолчиларга 20 тоннадан ошириб сут етказиб берилди.

Айни пайтда ҳожатбарор фермер Фотима опа Салимова ҳомийлик ҳаракатини ҳам бошлаб юборган. Хўжалик ҳудудидаги маҳалла унинг саъй-ҳаракати натижасида табиий газ билан таъминланди. Бундан ташқари хўжаликдаги 5 та болалар боғчаси муттасил равишда сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб келинмоқда. Опанинг ўзи эса маҳаллада ўтказилаётган барча тадбирларга бош-қош.

Мазкур фермер хўжалигида ҳозирда иш ниҳоятда қизғин. Ноз-неъмат ижодкорлари жорий йилда гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил етиштириш учун тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

**Зафар ЖЎРАЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Меҳнат муҳофазаси*



## ИШ УНУМИНИНГ ГАРОВИ

Кейинги вақтларда кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш барқарорлашиб бормоқда. «Жомбойдон» акционерлик жамияти ана шулардан биридир. Бу ерда йилнинг ўтган олти ойида 1,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иқтисодий самара ҳам шунга яраша бўлди. Ишлаб чиқарилаётган ун, макарон, чорва ва парранда учун омухта ем, нозиқ-овқат ҳамда енгил саноат маҳсулотлари сифати харидорларга манзур бўлмоқда.

— Маҳсулот сифати, иш унуми ходимларнинг иш шароитига, манфаатдорлигига боғлиқ, - дейди корхона бош муҳандиси Шавкат Зокиров. — Корхонамизда 618 нафар киши ишлайди. Мавсумда қўшимча ишларга 170 нафар ишчи жалб этилади. Бугунги муваффақиятда уларни ҳар бирининг ҳиссаси бор. Чунки ҳар бир ходим ўз ишини талаб даражасида уддалангандa, пировард натижага эришилади. Шунинг учун корхона раҳбарияти касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда олинган фойданинг салмоқли қисмини иш шароитларини яхшилашга, меҳнатни муҳофаза қилишга, қўшимча имтиёзлар жорий қилишга йўналтирмоқда.

Дарҳақиқат, бу ерда эътиборга молик тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили ғалла қабул қилиш мавсуми олдидан ва ундан кейин иш жойлари кўрикдан ўтказилади. Хулосаларга кўра таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Ишчилар махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминлангандан сўнггина ишлашга рухсат берилади. Ҳар бир ходимдан ўз иш жойини белгиланган меъёрларга мос тарзда сақлаш талаб этилади. Шу боис иш энг қизғин паллада корхона цехларига кирсангиз ҳам тозалик-озодаликнинг, саранжом-саришталикнинг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимида дам олиш, хоналари мавжуд. Корхона қошида тиббиёт маскани, ошхона, савдо-маиший хизмат маркази узлуксиз фаолият кўрсатмоқда. Улар хизматидан кечки сменада ишловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

— Меҳнат унумдорлиги, иқтисодий ўсиш ишловчиларнинг кайфиятига, руҳий ҳолатига, иш шароитига боғлиқлигини раҳбарларга тушунтира олдик. Яхши шароитдагина сифатли маҳсулот тайёрлаш мумкин. Оддийроқ айтганда, иш тақдири ишчининг қўлида, - дея суҳбатга қўшилди касабақўм раиси Аминжон Мақсудов. — Шунинг учун йил сайин ишчиларга ғамхўрликни кучайтиряпмиз. Махсус иш кийимлари ва ҳимоя воситалари етарлича мавжуд. Цехлар биринчи ёрдам учун зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Ҳар йили меҳнат муҳофазасига 17-18 миллион сўм атрофида маблағ ажратилади.

**Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири**

## МЎЙНОҚНИНГ АРГЕНТИНАЛИК ЎРДАКЛАРИ

Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштиришнинг ягона йўли -сув қуриб қолган ҳудудларга тузга чидамли чўл ўсимликлари экишдир. Бу ишда Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти билан бирга 2000 йилнинг сентябридан бошлаб амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бўйича денгиз чекинган қум барханларига саксовул, қандим, черкес сингари ўсимликлар экилмоқда. Бу иш билан шуғулланаётган кишилар саъй-ҳаракати туфайли бугунгача 15 минг гектар майдон яшил либосга бурканди. Натижада тузли қум тўфонларининг ҳавога кўтарилиши камаймоқда.

2005 йилгача мўлжалланган лойиҳада Оролбўйи аҳолисига ижтимоий кўмак бериш, уларни иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» ширкат хўжалиги ҳудудида 400 гектар майдонга экилган кузги буғдойдан 22 центнердан ҳосил олинди. Бу йил 220 гектар майдонга маккажўхори, оқжўхори, кунгабоқар ва беда экилди. Ўн гектар ерда полиз экинлари парваришланмоқда.

- Бунинг натижасида 26 киши иш билан таъминланди,- дейди лойиҳа мутахассиси Давлетбой Еденбоев. - Ўтган йили синов учун бешта аргентина ўрдаги олиб келиб парваришлаган эдик. Иқлим шароитига жуда тез мослашганлиги, кам сув талаб этиши туфайли бу йил уларнинг сони мингдан ошди. Бу иш билан саккиз киши шуғулланяпти. Айни чоғда 600 дона ўрдак тухуми инкубаторда сақланмоқда.

Мўйноқликларнинг режалари улкан. Келгуси йилнинг март ойигача ўрдаклар сонини тўрт мингга етказиш мўлжалланган. Натижада, ҳар йили эл дастурхонига 2,5-3 тонна парҳез гўшт етказиб бериш имконияти туғилади. Ўрдак гўштини дудланган ва тоқайта ишлаган ҳолда харидорларга тақдим этиш учун хориж технологияси келтирилди.

**(ЎзА)**

## ЯШАСИН КЎПЧИЛИК

Гурлан туманидаги Дўсимбой қишлоғининг Момокўпир қишлоғида янги бошланғич мактаби барпо этилди. Биринчи сентябр куни ушбу мактаб биринчи ўқувчиларни қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси билан маъмурий чегарада жойлашган ушбу маҳалла Хоразм вилоятининг энг шимолий аҳоли пункти ҳисобланади. Бу ерда 30 дан зиёд хонадон бор. 300 нафардан ортиқ киши яшайдиган ушбу қишлоқ аҳолисининг қарийб учдан бирини мактаб ёшидаги болалар ташкил қилади.

- Мактаб хўжалигимизнинг ҳомийлигида ҳашар йўли билан қурилди, - дейди маҳаллий «Қорақалпоғистон» ширкат хўжалиги раиси С.Собиров. - Унинг Момокўпирда Обод маҳалла йилида очилиши яхши воқеа бўлди. Ота-оналар болаларини узоқда жойлашган мактабга жўнатиш ва уларнинг қайтишини кутиш билан боғлиқ ташвишлардан қутулди.

*Обод маҳалла йили*

# КУЮНЧАК ОТАХОНЛАР

## ёхуд аҳоли турмуш тарзини яхшилашда Фахрийлар Кенгаши иштироки

Пудратчи Мукаррамхон Исмоилова пайкалда Ғуломжон ака Қосимов бошлиқ фахрийларни кўриб мамнун бўлди. Уларнинг келганликларидан боши осмонга етди. У отахонларнинг синчковлигидан хурсанд эди. Уватларни четида қолиб кетган бегона ўт борми, миробларнинг бепарволигидан сув урган эгатлар борми, уларнинг назаридан четда қолмасди. Ғўзалар ёнида Ғуломжон ака тўхтаб қолди. Чўккалаб кўсакларни бир-бир санади. Мукаррамхон дарҳол ҳушёр тортди. Отахон билан биргалашиб ғўза баргларини кўздан кечираркан, нима гаплигини дарҳол пайқади. Ўргимчаккана бош кўтара бошлаганди. Дала ишлари билан бўлиб, ушбу пайкални кейинги кунларда ораламаганлигидан хижолат тортди.

Сўнгра, фахрийлар шийпонда бригада аъзолари билан тушликка ўтирдилар. Ғуломжон ака бир пиёла чой баҳонасида ижарачиларнинг дам олиши, ойлик маошлари, болали оналарнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди. Хайрлашаётиб Мукаррамхонга ўргимчакканага қарши курашни сусайтирмаслик, тунги суғоришнинг хосияти ҳақида жўяли маслаҳатлар берди. Мукаррамхон гап орасида «ОВХ»га етишолмаётганлигини қистириб ўтди.

Фахрийлар Кенгаши раиси «тишлаган жойидан узадиган» одам. Андижон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигига меҳнати сингганлардан. Хўжаликда узоқ йиллар бош ҳосилот вазифасида ишлаган. Қайси лавозимда бўлмасин, катта-кичикка дардкашлик қилган. Шунданми, ширкат раиси Ғуломжон аканинг фахрийларга бош бўлиб, дала юмушларига ёрдамлашаётганлигини алқади. Эртасигаёқ Мукаррамхон Исмоилова бошлиқ бош пудратчиларга ғўза зараркунандасига қарши ишлов берадиган «ОВХ» тракторини ажратиб берди.

Кенгашнинг хайрли ишлари кўп. Айниқса, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясига бош-қошлиги эътиборга лойиқ. Бирда «Ўрикзор» маҳалласи аҳолисининг тоза ичимлик сув таъминотида узилишлар бўла бошлади. Негаки, сув қувурлари ишдан чиққан. Янгисининг нархи осмонда. Маҳалланинг қўли калталик қиларди.

Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. «Обод маҳалла йили» давлат дастури бўйича Фахрийлар Кенгаши ҳам ўз иш режаси тузгандилар. Режада ҳокимлик, тумандаги бошқа жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилиш белгилаб қўйилганди. Кенгашнинг маслаҳат йиғини чақирилди. Фаоллардан Ваҳобжон Ҳамидов, Ҳамзабек Ҳусанов, Турғунбой Қамбаровлар ҳамда ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Рустамжон Мухторов ҳам йиғинга таклиф этилганди. Кун тартибидаги масала – «Обод маҳалла йили» давлат дастури иш режасининг ижроси ҳамда аҳоли турмуш тарзи, маиший шароитини яхшилашда Фахрийлар Кенгашининг иштироки муҳокамадан ўтказилди.

Жумладан, «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги сув йўлларини созлашда жамоатчиликнинг кўмаги ҳақида бир тўхтамга келдилар. Халқдан кўнгилли равишда пул йиғишни ташкил қилишни касабақўм ўз гарданига олди. Ҳашар уюштиришни Фахрийлар Кенгаши бажарадиган бўлди.

Маҳалла юрт ичра – юрт, эл ичра – элдир. Ўрикзорликлар ўз мавзеларини обод, кўркам, ораста, тинч-осойишта кўришга одатланганлар. Баҳоли қудрат маҳалладошлар топганларини ўртада баҳам кўрадилар. Маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлашга доир таъмирлаш ишлари катта ҳажмдаги сарф-харажатни талаб этарди. Кенгаш раиси ёнига фаолларни олиб, Андижон туман ҳокими Ҳотамжон Ҳакимов ҳузурига йўл олди. Ҳоким Ғуломжон ака бошлиқ фахрийларнинг таклифларини маъқуллади. Дарҳол вилоятдаги қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари, «Вилоятсувоқава» бошқармаси мутасаддилари билан боғланди... Мана бугун 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган «Ўрикзор» маҳалласига қадам ранжида қилсангиз дил яйрайди. Кўча ва йўл бўйлари гулу гулзорларга бурканган.

Бундай савобли ишларнинг қай бирини айтайлик. 13-бригада табелчиси Даминжон Мамадалиевнинг оила қуришда ёрдамга муҳтожлигини Ғуломжон ака эшитиб қолади. Ғуломжон ака бу ҳақда ҳокимнинг биринчи ўринбосари Абдували Боласозовга маслаҳат солди. Ўринбосарнинг жонкуярлиги билан ҳомийлар ҳам топилди. Хуллас, янги келин-куёвларнинг хонадонини бутлашга кетадиган гилам, палос, идиш-товоқларнинг ўрни топилди.

Фахрийларнинг аралашуви билан тўй расамади билан ўтди. Айниқса, бехашамлиги, қуда-кудағайларнинг ортиқча бордикелдиларисиз, замонавий ўтиши билан ҳаммага манзур бўлди. Харажатларни «Терактепа» маҳалла фуқаролар йиғини, Фахрийлар Кенгаши ҳамда ҳокимлик кўтарди. Бир фарзандга етти маҳалла ота-она деганлари шу-да.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Ғузор тумани ғаллакорлари бу йил 25 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Мавсум қатнашчилари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ўз самарасини берди. Туманда етиштирилган ғалланинг асосий қисми «Элҳақидон» ҳиссадорлик жамияти омборларига тўкилди.

**Суратларда: Ғузор ширкат хўжалиги комбайнчиси Норбўта Саидов; «Элҳақидон» акциядорлик жамияти лаборанти Улғози Тангриева; туман МТП ҳайдовчиси Нормурод Муродовлар.**

**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**

# ГУЗАР-ФАЙЗЛИ ГЎША

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод бўлмоғи даркор. Ана шу шиорни дилга жойлаган мирзачўлликлар маҳалла ободончилигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳаллаларда бирин-кетин янги гузарлар бунёд этилиб, ишга туширилмоқда. Янгиер шаҳридаги Абдураҳмон Жомий маҳалласида иш бошлаган гузар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда гузар нафақат фаровонликдан далолат, балки қўни-қўшнилар иттифоқлиги, маҳалла-кўй маркази рамзи бўлиб қолаяпти. Жомий маҳалласи аҳли ҳам азалдан аҳил-иноқ. Улар бир-бирининг ташвишу қувончига шерик кишилар. Аммо бу сифатларнинг ўзи кифоя қилмас экан. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон, деганларидек, маҳаллага маиший хизмат нуқталари зарур эди. Эндиликда ана шу муаммоларни ҳал этиш билан бир вақтда, маҳалла ғазнасига муайян даромад келиб тушиш имкони яратилди.

Айни чоғда бу ерда тиббиёт хонаси, ошхона, пойабзал таъмири, сартарошхона, радио-телевизор устахонаси ишлаб турибди. Гузарда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси билан ички ишлар идоралари ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллага оид муаммоларни ҳал этиш ва турли тадбирларни уюштириш имкони бор. Гузарда иш бошлаган ошхона барча тантана, маросимларни ўтказишга шай қилиб қўйилган. Маҳалла кексалари бу ерда дил чигалини ёзиб, анъаналарни қарор топтириш режаларини тузишади.

**Н.ФАХРИДДИНОВ**

> *Яқин танишим уй тўйига айтди. Дўст қувончига шерик бўлишдан ортиқ бахт борми! Меҳмонларни кутиб олаётганлар сафига қўшилдим ва беихтиёр иморатга разм солдим. Ичкари томон сувалиб ўзига хос пардоз берилганига қарамасдан кўча тараф ғишт деворлигича қолдирилган эди. Лекин нақшинкор шакллар шунақаям бежирим чиққандики, ҳар қандай киши бир зум тикилиб қолмасидан иложи йўқдек эди.*

# АДИРЛИК ҚЎЙНИДАГИ КОРХОНА

–Бунақа чиройли ғиштни қаердан топдингиз? - сўрадим уй эгасидан. – Балки Андижон ёки Фарғонадан келтиргандирсиз?

– Қизиқмисиз, ака, - мезбон кулди. Ахир бу ўзимизнинг Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғидаги корхонадан-ку!

– Қандиёнданми? - дея эсладим. Ушбу корхона довруғини, у ернинг бошқа бирон жойда учрамайдиган сарғиш тупроғидан тайёрланаётган ғиштлари таърифини эшитгандим.

...Қандиён «Исковот» ширкат хўжалигидан 2-2,5 чақирим келадиган жой. Ўн-ўн беш йил олдин бу ерларни одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди, дейишарди. Атроф дашт. Қаёққа қараманг, чўкиб ётган нортуя адирликлар. Лекин яна бир жиҳати борки, унинг номи «Қандиён» ёки қантдек ширин деган сўзни англатади. Қарияларнинг айтишларича, қачонлардир бу жойларда гуллаган шаҳарча мавжуд бўлган. Лекин душман бостириб келиб, уни ер билан яксон қилган. Сув иншоотларини бузиб, бутун борлиқни саҳрога айлантирган.

Хуллас, 70-йиллар охирларида бу ердан Косонсой томонга отда ўтиб бораётган мутахассис олимлардан бири адирликнинг қизғиш тупроғига қизиқиб қолади ва ундан намуна олади. Қарасаки, ундан жуда сифатли ғишт тайёрлаш мумкин экан. Шу тариқа дастлаб Қандиёнда мўъжазгина цех қурилади. Лекин бу цех озгина муддат фаолият кўрсатиб, тўхтаб қолади. Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, тадбиркор Холхўжа Усмонов цехни қайта жонлантириш ҳаракатига тушди. Атрофига ўзи сингари серҳаракат, эл иши учун жонкуяр кишиларни тўплади. Россиядан машина ва ускуналар келтирилди. Шу тариқа 1995 йилдан цех кенгайиб, корхона сифатида ўз ишини қайтадан бошлади. Х.Усмонов бошлиқ ишбилармонлар шу билангина кифояланиб қолишмади. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун ҳаракатга киришилди. Қўшимча ишлаб чиқариш бинолари барпо этилди. Корхона янада серунум ва замонавий машиналар билан жиҳозлаб борилди. Ниҳоят, 2000 йил бошида янги ишлаб чиқариш биносига кўчиб ўтилди. Натижада ишлаб чиқариш сезиларли даражада кенгайди, маҳсулот сифати яхшиланди.




– Мустақиллик туфайли халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди, - дейди суҳбатда Қандиён ғишт заводи акционерлик жамияти кенгашининг раиси Холхўжа Усмонов. – Президентимиз Фармонига кўра каталакдек ҳовлиларда тиқилинч яшаб келаётган оилаларга ер участкалари берилди. Бу эса қурилишлар кўламини кенгайтирди. Корхонамиз ўз олдига Наманган шаҳри, Уйчи, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари аҳолисининг ғиштга нисбатан эҳтиёжини қондириш вазифасини қўйган ва шу асосда иш олиб бормоқда. Бугунги кунда корхонамизда юзга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни бир дақиқа бўлса-да, тўхтамайди. Исмоил Муллабоев, Аъзам Дадажонов, Қобил Нишонов, Абдурашид Бозорбоев, Одил Фузанов каби усталаримиз ва ишчиларимиз фидокорона меҳнатлари билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Корхонада меҳнат аҳли учун яратиб берилган шарт-шароитни кўриб ҳавасингиз келади. 5 гектарлик майдоннинг ярмидан кўпи боғу бўстонга айлантирилган. Бу ерда ҳозир мевалар ғарқ пишган. Тушликда дастурхонга қўйилади. Овқатлар бепул. Кечки сменадагилар икки маҳалдан иссиқ овқат билан таъминланадилар. Ўртача ойлик маош ҳам шунга яраша. Шунингдек, режадан ташқари тайёрланган ғиштнинг тенг ярми ишчининг ўзига қолдирилади. Ижрочи директор Олимжон Қодировнинг айтишича, яқин бир-икки йил ичида корхонанинг қуввати 50 фоизга ортади. Яна бир гап: корхона билан ёнма-ён қад ростлаган Қандиён шаҳарчасининг аҳолиси ҳозирдаёқ 500 нафардан ошиб қолди.

**Ж.ОБИДЖОНОВ**

## СОАТИНГИЗ НЕЧА БЎЛДИ?

Пойтахтимиз марказида Швейцариянинг яна бир соат дўкони - «CHRONOS» очилди.

Маълумки, бутун дунёда Швейцария соатлари сифат, ишончлилик ва аниқлик намунаси ҳисобланади. Тошкентликларнинг чиройли, аниқ ва узоқ муддат ишлайдиган соатларни кўриш ҳамда харид қилиш имконияти кенгайди.

«ELERON-KA» компанияси 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистонга «Swatch Group» концернининг машҳур Швейцария соатларини етказиб бермоқда. Шу йили Тошкентда биринчи «SWISS WATCHES» фирма дўкони очилиб, харидорларга «Swatch Group», OMEGA, TISSOT, LONGINES, RADO каби савдо белгилари намойиш этилган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Swatch Group» концерни Бьеле шаҳирда / Швейцария/ жойлашган бўлиб, дунёда қўл соатларининг йирик ишлаб чиқарувчиси ва сотувчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда сифатли маҳсулотга бўлган талаб Тошкентда ҳам ана шу концерн ишлаб чиқарган соатлар дўконини очишга ёрдам берди.

Қадимги суратлар ва афсоналар элементлари билан уйғунлашган бетакрор замонавий дизайн туфайли янги дўкон қадимий Швейцарияни эслатади. Бино шунингдек аниқ савдо белгисига эга мебеллар билан тўлдирилган.

**(ЎзА)**

## ЧИНОЗ ШИФОХОНАЛАРИ

Мустақиллик байрами арафасида Чиноз туманида яна иккита қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилади. - Бундай врачлик пунктлари марказдан олисда яшовчи аҳоли саломатлигини асрашнинг энг тўғри йўли эканлиги ўз исботини топди,- дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Азим Исоқов. - Шу боис туманимиздаги барча қишлоқларда врачлик пунктлари қуришни режалаштирганмиз. Собир Раҳимов номидаги ширкат хўжалигида беш минг кишига хизмат кўрсатувчи шифохона қуриб битказилди. Тез кунларда терапевт, педиатр, гинеколог, стоматология, физиотерапия, дорихона ва кундузги стационар эл хизматида бўлади. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигининг Яллама қишлоғида қурилаётган врачлик пункти эса ўн бир минг кишига хизмат қилади.

*Бандлик дастури амалда*

# АЁЛЛАР ТИКУВЧИЛИК КАСБИГА ЎҚИТИЛДИ

Давлатобод тумани меҳнат бўлими томонидан тузилган «Бандлик» дастурида 2003 йилнинг 1-чораги давомида 250 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Амалда эса 260 та янги ишчи ўринлари яратилди. Буларнинг 163 таси якка тартибда фаолият юритувчилар томонидан, 97 таси хусусий корхоналар ҳисобидан амалга оширилди. 43 нафар аёллар тикувчилик касбига ўқитилиб, «Бунёд» қўшма корхонасига доимий ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари фуқаролардан 190 нафарини ҳақ тўлайдиган жамоат ишларига жалб этилди. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан иш ҳақи сифатида туман коммунал фойдаланиш бошқармаси ва корхона ҳисоб рақамларига маблағ ўтказиб берилди.

Ташкилот ва корхоналарда ишчи ўринлари қисқариб бораётгани барчага маълум. Шу сабаб ишдан бўшаган 3 нафар пенсия ёшига яқинлашиб қолган фуқароларга муддатидан олдин нафақа тайинланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш билан бирга, иш билан банд бўлмаган ёки касб-корсиз ёшларни ўқитиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Туман ҳокимининг қарори билан кўп болали ота-оналар, олий, ўрта ва ҳунар-техника билим юртларини тугаллаганлар, пенсия ёшига яқинлашганлар, ҳарбий хизматдан қайтганлар ва жазони ўташ жойларидан қайтган фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Туман Меҳнат бўлими Ижтимоий кўникма маркази ва Ички ишлар бошқармаси билан биргаликда бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Шунга кўра амнистияга тушган, ёки муддати тугаб қамоқдан озод бўлган шахслар доимий назоратда. Шундай фуқаролардан 10 нафари рўйхатга олиниб, 7 киши иш билан таъминланди. 3 нафари эса касаллиги туфайли нафақага чиқарилди. Икки ёшгача бўлган фарзандлари бор аёлларнинг 21 нафарига 1433,1 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

***2003 йил 28 август, 4 сентябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:***

РАФ-220301 русумли, давлат рақами 10 АН 318, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги «Тажриба-йигирув фабрикаси»га қарашли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 350 000 сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу, авторанспорт воситасига қизиқиши бор барча юридик ва жисмоний шахслар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 8,44 хоналар. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com Лицензия рақами: 000004**

## Нурота туман «Аҳмад Яссавий» ОАЖ акциядорлари диққатига

Эмитентнинг қимматли қоғозларига ҳисобланадиган даромадлар ва қимматли қоғозлар эгалари олдидаги мажбуриятларни бажариш вақти. 05-08 рақамли маълумотлар.

«Аҳмад Яссавий» ОАЖ

Манзили: Навоий вилояти Нурота тумани А.Яссавий кўчаси 69-уй

2003 йил 14 апрелдаги жамиятнинг 2002 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича умумий йиғилишида олинган фойдани тўлиғича жамиятни ривожлантиришга йўналтириш бўйича қарор қабул қилинди.

Акциядорларни реестрини ёпиш санаси

14.03.2003 йил

07-рақамли маълумот.

Қимматли қоғозларга эгалик қилувчи акциядорлар рўйхатини тузиш санаси

14.03.2003 йил

09-рақамли маълумот

- Умумий йиғилиш тури - навбатдаги йиллик.
- Умумий йиғилиш шакли - овоз бериш бюллетенлари орқали.
- Умумий йиғилиш ўтган сана 14.04.2003 йил
- Умумий йиғилиш ўтган жой - Нурота тумани Нурота шаҳри А.Яссавий кўчаси 69-уй.
- Умумий йиғилиш кворуми - 76,2 % (15285 та акция).

1. «Аҳмад Яссавий» ОАЖнинг ,2002 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот ва 2003 йилдаги вазифалар бўйича.

- тарафдорлар 14746 та акция 96,5 % овоз
- қаршилар 539 та акция
- бетарафлар йўқ.

1-масала 96,5 % овоз билан қабул қилинди ва тасдиқланди.

2. 4-масалалар - Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2002 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

2 ва 4 масалалар бўйича:

- тарафдорлар 14516 та акция 94,9 % овоз
- қаршилар 751 та акция 0,2 % овоз

2-4 масалалар 94,9 % овоз билан қабул қилинди ва тасдиқланди.

3. «Аҳмад Яссавий» ОАЖнинг тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.

3-масала бўйича.

- тарафдорлар 14676 та акция 96,5 % овоз
- қаршилар 609 та акция 4 % овоз
- бетарафлар йўқ

3-масала - 96 % овоз билан қабул қилинди ва тасдиқланди.

5-масала - кузатув кенгаши аъзоларини янги таркибини аниқлаш

5-масала - кузатув кенгаши аъзолар кумулятив овоз бериш йўли билан сайланди.

7-масала - жамият низомига ўзгартиришлар киритиш.

7-масала бўйича

тарафдорлар 14454 та акция 94,5 % овоз

Қаршилар 831 та акция 5,5 % овоз

Бетарафлар йўқ

7-масала 94,5 % овоз билан қабул қилинди.

**Афилланган шахслар рўйхати**

1.Ижро органи: Директор – Раҳмонов Дилмурод

Бош ҳисобчи – Исломов Исмат

Бош муҳандис – Рўзибоев Ф.

2.Кузатув кенгаши: Жамолов Салохиддин

Мирзаев Сайфиддин

Ауесхонова Гулчеҳра

Маматов Искандар

Саримсоқов Тошпўлат

Давлат 25 фоиз

**Жамиятнинг 2002 йил 1 январ ҳолатига Бухгалтерия баланси (минг сўмда)**

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Айланма маблағлар | 6546 | Низом жамғармаси | 10020,0 |
| Дебитор қарзлар | 18996 | Қўшимча капитал | 279 |
| Пул маблағлари | 234 | Резерв капитал | 222 |
| | | Тақсимланган фойда | 298 |
| | | Кредиторлар | 14 757 |
| **Баланс** | **25 776** | **Баланс** | **25 776** |

***Жами: 2002 йил 298 минг сўм фойда билан якунлаган.***

***«Қора-Қамиш универсал бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 2003 йил I ярим йиллик якуни бўйича навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказиш ҳақида.***

***Мажлис 2003 йил 17 август соат 16.00 да ўтказилади***

**КУН ТАРТИБИ**

1.Жамиятнинг биринчи ярим йиллик фаолияти бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2.Жамиятнинг янги таҳрирдаги ижроия органи ҳақидаги низомини тасдиқлаш.
3.Жамиятнинг янги таҳрирдаги кузатув кенгаши ҳақидаги низомини тасдиқлаш.
4.Жамиятнинг янги таҳрирдаги умумий мажлис ҳақидаги низомини тасдиқлаш.
5.Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.

«Қора-Қамиш универсал бозори» очиқ акциядорлик жамияти.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ўрозбоева кўчаси, 21-уй**
**(Асосий бозор маъмурияти биносида)**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

